ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00259

«ҲАР БИР ОИЛА – ТАДБИРКОР«» КОНЦЕПЦИЯСИ ВА УНДАГИ ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР (ИЖТИМОИЙ – ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ)

Жамшид Бекматович Давлетов
Урганч давлат университети фалсафа доктори (PhD)

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада «Ҳар бир оила – тадбиркор» концепцияси ва ундаги инновацион ғоялар таҳлил қилинган бўлиб, ушбу жараёнда кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтириш ва янада ривожлантириш учун бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнес, яъни «Ҳар бир оила – тадбиркор» концепцияси ва унинг инновацион моҳияти ёритиб берилади.

Калит сўзлар: инсон капитали, дунёвий давлат, бозор иқтисодиёти, «оилавий бизнес», «оилавий тадбиркорлик», «оилавий касаначилик», хусусий тадбиркорлик, инновация, урбанизация, қонун устуворлиги, ижтимоий-сиёсий тузум.

THE CONCEPT OF "EVERY FAMILY IS AN ENTREPRENEUR" AND ITS INNOVATIVE IDEAS (SOCIAL-PHILOSOPHICAL ANALYSIS)

Jamshid Bekmatovich Davletov
Urgench State University, Doctor of Philosophy

ABSTRACT

In this article, there was analyzed the concept «Every Family is an Entrepreneur» and its innovative ideas and in this process there were illustrated the concept of family business, i.e. the concept of «Every Family is an Entrepreneur» and its innovative essence, as a new organizational and legal form of business for the development and expansion for small business and entrepreneurship.

Keywords: human capital, secular state, market economy, family business, family entrepreneurship, family home-work, private entrepreneurship, innovation, urbanization, rule of law, social-political system.

КИРИШ

Ишчи ресурслари етарли ривожланган, ҳар йили меҳнат жараёнига 450 мингдан зиёд ёшлар қўшилаётган Ўзбекистон учун янги иш ўринларини

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00259

яратиш, аҳолини, айниқса ёшларни бандлигини таъминлаш мураккаб, долзарб масалалардан биридир. Чунки, Ўзбекистон халқининг дунёвий давлат қуриш йўлидаги бош стратегик мақсади – қонун устуворлигига ва бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш экан, бу албатта, оила институти, унинг манфаатлари ҳамда инсон капиталининг ижтиомий – ҳуқуқий ҳимояси билан узвий боғлиқ масала ҳисобланади. Шу жиҳатдан оилавий муносабатларда тадбиркорлик маданиятини янада ривожлантириш, оилаларни ижтимоий-иқтисодий мустаҳкамлаш ҳамда фуқароларимиз учун ҳар томонлама муносиб ҳаёт шароитларини яратиб бериш йўлида мамлакатимизда олиб борилаётган ишларни ҳам қонуний, ҳам амалий жиҳатдан янада кучайтириш муҳим ҳисобланади. Республикамиз Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 7 июнда қабул қилган «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида»ги Қарорида айнан ушбу мақсадни рўёбга чиқариш назарда тутилган. Шу пайтгача илмий лексиконда «оилавий бизнес», «оилавий тадбиркорлик», «оилавий касаначилик» каби тушунчалар ишлатиларди, улар моҳиятан оила тадбиркорлигини англатарди. Юқоридаги Қарорда «ҳар бир оила – тадбиркор» ёки «тадбиркор оила» тушунчаси истеъмолга киритилди.

Хўш, ушбу атамаларнинг ижтимоий-фалсафий талқини қандай? Уларда асосий эътибор нимага қаратилади? Уларда ижтимоий-иқтисодий жиҳат устуворми ёки оила, оилавий қадриятлар? Бу саволлар умумий илмий хусусиятга эга, уларга жавоб излаш мавзуни илмий, ижтимоий-фалсафий талқин қилишдир. Янги давр фалсафасининг асосчиси Р.Декарт айтганидек: «аввал сўзлар моҳиятини аниқланг, ана шунда сиз кишиларни улар қиладиган хатоларнинг ярмидан халос қиласиз»[8, 278].

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Айтиш лозимки, бугунги кунда кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтириш ва янада ривожлантириш учун бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни, яъни «Ҳар бир оила – тадбиркор» концепцияси ва унинг инновацион моҳиятини қонуний белгилаб қўйиш вақти келди. Ҳозирги вақтда яна бир муҳим масала – мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес, биринчи навбатда хусусий тадбиркорлик, жумладан оилавий тадбиркорликнинг роли ва улушини янада кенгайтиришни таъминлай оладиган концепцияни қабул қилиш ва инновацион моҳиятга эга кластерларни яратиш масаласи биз учун долзарб бўлиб қолмоқда.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00259

«Ҳар бир оила – тадбиркор» деганда тадбиркорлик билан шуғулланиш имконига эга оилалар, тадбиркорлик субъектлари, ўз меҳнатидан фойда, маблағ олишни назарда тутган кишилар гуруҳи тушунилади. Мазкур гуруҳ ядросини оила, оила атрофига бирлашиб умумий фаолият олиб борувчи субъектлар ташкил этади. Кўпинча тадбиркорлик фаолиятининг бош субъектлари – эр-хотиндир. Бу субъектларнинг ташаббуси, маблағлари ҳисобига у ёки бу фаолият турини, хизмат кўрсатишни ташкил этиш имкони пайдо бўлади. Ўз маблағларини, мулкини тиккан субъектлар, табиий равишда улардан фойда, маблағ орттиришни режалаштиради. Хусусий мулкдан фойдаланиш ва тадбиркорлик фаолияти жараёнида ушбу хусусий мулкни кенгайтириш, ривожлантириш ҳар қандай тадбиркорликнинг асосини ташкил этади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, тадбиркорлик қуйидаги тамойилларга таянади:

- бозор талабига кўра мустақил иқтисодий фаолият олиб бориш;
- фойда олишдан иборат мақсадга эга бўлиш;
- иқтисодий масъулият ва мажбуриятни ўз зиммасига олиб, таваккалига иш қила билиш;
- янгиликка интилиш;
- белгиланган қонун-қоидаларга риоя қилиш;
- тадбиркорлик сирини сақлаш;
- ижтимоий масъулиятни ҳис этиш, яъни ўз жамоаси, халқи фаровонлиги-ни таъминлашни ўз фаолиятининг асосий йўналиши деб билиш ва ҳ.к[7, 12]. Агар ушбу тамойиллар ва талаблардан келиб чиқсак оилавий тадбиркорлик – мустақил, ихтиёрий иқтисодий фаолият, фойда кўриш – мақсади, таваккал қилиш – иш юритиш усули, янгиликка, инновацияга интилиш хусусий мулкни ривожлантириш кафолатидир. Кўриниб турибдики, бозор иқтисодиёти механизмлари оилавий тадбиркорликда тўла ишлайди, улар мустақил иқтисодий фаолиятга мақсадга йўналтирилганлик бахш этади, хусусий ва ижтимоий манфаатларни уйғунлаштиради.

Ўзбекистонда аҳолининг моддий шароитларини яхшилаш ўтган ўн йилликларда кўкка кўтариб мақталган бўлса – да, реал ҳаётда силжиш рўй бермади. Аҳоли ҳаёт тарзидаги урбанизация атиги 35 % атрофида экан. Шунинг учун ҳам юқоридаги Қарорда «Ҳар бир оила - тадбиркор» дастурида кўзда тутилган мақсад «аҳолининг моддий шароитларини тубдан яхшилаш, турмуш тарзи сифати ва даражасида сезиларли ижобий ўзгаришлар амалга оширилишини таъминлашга қаратилган» деб кўрсатилади[3,5]. Демак «оилавий

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00259

тадбиркорлик» атамаси нафақат мустақил иқтисодий фаолият, энг аввало аҳолининг моддий шароитларини тубдан яхшилаш, турмуш тарзи сифатини, урбанизацияни юксалтиришдадир.

Турмуш тарзи, урбанизация фақат кир ювиш машинаси, автомобилгина эмас, У Wi Fi, шахсий компьютер ёки ноутбук, интералоқалар воситалари, дунё халқлари билан эркин борди-келди қилиб яшаш, юксак сервис, тиббий хизматни уйда, ўзига қулай вақтда олиш, иссиқлик ва ёриткич манбаларидан ҳеч қандай чекланишсиз, узилишсиз фойдаланиш ҳамдир. Шахсий талаб ва эҳтиёжларни қондиришнинг энг самарали, илғор давлатлар синовидан ўтган шакли – тадбиркорлик, ўзига ўзи хизмат қилиш. Оилавий тадбиркорлик аҳолининг, кишиларнинг ранг-баранг талаб ва эҳтиёжларини тўла қондиришнинг энг самарали шакли ҳисобланади[10, 265]. Чунки тадбиркорлик фаолияти кишиларнинг аниқ талаб ва эҳтиёжларининг буюртмаси негизида юзага келади. Қачонки шундай буюртма мавжуд экан, кишилар ҳақ тўлаб сотиб олишга тайёр экан, фақат шу тақдирдагина тадбиркорлик янгилик, янги хизмат тури сифатида пайдо бўлади, ташкил этилади. Талаб ва эҳтиёж, янгиликка, янги хизмат турига ҳақ тўлаш имкони мавжуд жойдагина тадбиркорлик субъектлари билан аҳоли ўртасида «бозор иқтисодиёти қонунларига мувофиқ келадиган цивилизациявий муносабат шаклланади» [9, 145].

НАТИЖАЛАР

Тадбиркорлик халқимизга хос ижтимоий-тарихий фазилат эканини адабиётлар кўрсатади[6, 72]. Аммо уни давлат томонидан кенг қўллаб-қувватланиши, давлат иқтисодий сиёсатининг асосий мақсади сифатида келиши мутлақ янги ҳодиса, инновациядир. Ижтимоий-сиёсий тузум, давлат ҳеч қачон бугунгидек, тадбиркорликни, оилавий бизнесни бу даражада кенг ва фаол қўллаб-қувватламаган. Кейинги икки йил ичида тадбиркорлик ва инновацион ривожланишни таъминлашга 8 та қонун, 30 дан зиёд Президент Фармонлари ва Қарорлари қабул қилинди. Масалан, Президентимизнинг «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони (2018, 21 сентябрь) да «ички ва ташқи бозорларда рақобатдош маҳсулотлар турларини кенгайтириш», «замонавий инновацион ғоялардан фойдаланиш», «инсон капиталини ривожлантириш» кабилар вазифа қилиб белгиланган[4, 3]. Мазкур вазифаларни янгиликка интилиш, инновацион ғоялардан фойдаланиш фаолияти тамойили бўлган тадбиркорларсиз амалга ошириш қийин. Бугун оилавий тадбиркорлар

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00259

балиқчилик, паррандачилик, қуёнчилик, чорвачилик, касаначилик, ҳунармандчилик каби турли-туман фаолият турлари билан шуғулланмоқда. Масалан, аҳолининг талаб ва эҳтиёжларига мувофиқ Хоразм вилоятида 22-25 минг тонна балиқ етиштирилиши лозим. Бироқ 2017 йили бу талаб-эҳтиёжларнинг 40-42 % гина қондирилган холос. Ҳатто вилоят балиқ маҳсулотларини экспорт қилиши мумкин. Бугун Хоразмда 568 та балиқчилик хўжалиги мавжуд, уларнинг 75 % ни оилавий тадбиркорлар ташкил этган ва бошқаради. Уларга 7757 гектар табиий ва 3225 гектар сунъий ҳавзалар бириктирилган. 2018 йилда вилоятда 80 та лойиҳа амалга оширилди, уларга 31 миллиард 126 миллион сўм йўналтирилди. Шундан 24 миллиард 526 миллион сўмдан ортиғи банк кредиторларидир[5, 2]. Қолган маблағларни тадбиркорларнинг ўзлари тўлаган.

Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев 2017 йилнинг январь ойида Хоразм вилоятида бўлганида Хива туманидаги «Болтабой оқсоқол» оилавий балиқчилик хўжалиги комплекси билан танишган. У, балиқчилик сердаромад соҳа ва инсон соғ-саломатлигига хизмат қилади, деб таъкидлаган эди. Шундан кейин Хива туман Чинобод қишлоғида ихтисослаштирилган замонавий мажмуа, комплекс ва «Хоразм балиқ саноат агро» масъулияти чекланган жамият ташкил этилди.

- Хитойдан, - дейди комплекс раҳбари Ҳикмат Оллоберганов, - умумий қиймати 1 миллион 461 минг АҚШ долларига тенг бўлган консерва ва сосиска тайёрлаш ҳамда қадоқлаш линиялари, музлатгич, сувда кислородни бойитиш, омихта ем ишлаб чиқариш ускуналарини кенгайтирдик. Энди цехларимиз йилига 500 тонна балиқни қайта ишлаб чиқариш қувватига эга. Ҳозирги кунда 4 турдаги балиқ консерваси ва сосискасини тайёрлашни йўлга қўйганмиз. Шуларнинг ҳисобига жорий 2018 йилнинг ўзида 4,2 миллиард соф фойда олганмиз[5, 2].

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Гап шундаки, бундан 20-30 йил илгари Хоразмда балиқ консерваси чиқаришни хусусий тадбиркорлар амалга оширишини тасаввур қилиш қийин эди, бундай инновацион ишларга оилавий бизнес субъектлари фаол киришишган. Аввал бошда бир гектар ҳавзадан 15-20 центнер балиқ олинган, бугун бу кўрсаткич 150-200 центнергача етган. Мутахассислар фикрича инсон соғ-саломат ўсиши учун йилига камида 12 килограмм, ҳар ойда 1 килограмм балиқ ва балиқ маҳсулотлари истеъмол қилиши зарур. Бизда бу кўрсаткичга етиш учун балиқ ва балиқ маҳсулотлари етиштиришни икки баробардан зиёдроқ ошириш керак. Мана, оилавий

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00259

тадбиркорлик қандай ижтимоий зарур, миллат саломатлигини таъминлашга қандай ҳисса қўшади.

МУҲОКАМА

Оилавий тадбиркорлик икки-уч ёки ўн икки кишигача бўлган кичик корхона, микрофирма, фермер хўжалиги, маданий-маиший хизмат кўрсатиш масканлари тарзида учрайди. Масалан, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги маданий-маиший хизмат кўрсатиш масканлари – кафе, ошхона, бар, ресторан, ўқув марказлари, нодавлат боғчалар ва дачаларнинг деярли 82-85% оилавий тадбиркорликка тегишли. Республикамиздаги миллий ҳунармандчилик – дўппичилик, тикувчилик, тўқимачилик субъектларининг асосий қисми ҳам оилавий тадбиркорлардир. Кўриниб турибдики, оилалар потенциалидан самарали фойдаланиш кўплаб ижтимоий муаммоларни ҳал этишга ёрдам беради. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 11 сентябрда қабул қилган «Ҳудудларда тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини жадал амалга оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида ишбилармонлар қатор тўсиқларга ҳам дуч келаётганини айтади. Кредитлар ва ерлар ажратиш, лицензиялар олиш, ташқи бозорга чиқиш, инвестициялар жалб этиш, маҳаллий идоралардаги бепарволик, сусткашлик танқид қилинади. Унга мувофиқ бўш турган давлат мулки тадбиркорларга ноль баҳо ҳисобига сотилади. Бўш давлат мулки объектлари ёки ер участкалари аукцион ғолибига бир йилгача муддатда олдиндан захирага олиш шартларида, кейинчалик инвестиция шартномасида кўрсатилган шартлар бажарилганидан сўнг эгалик ҳуқуқи берилади.

ХУЛОСА

Мамлакатимизда 2018 йилга «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» деб ном берилди ҳамда Давлат дастури доирасида 21 триллион сўм ва 1 миллиард долларга тенг 76 мингта лойиҳа амалга оширилди. Кўрилган чора-тадбирлар туфайли аҳолининг реал умумий даромадлари 2017 йилга нисбатан 12 фоизга ошди. «Ҳар бир оила – тадбиркор», «Ёшлар - келажагимиз» каби дастурлар доирасида 2 триллион сўмга яқин маблағ ажратилиб, жойларда 2 минг 600 дан ортиқ бизнес лойиҳалари амалга оширилди. Бу йилдан бошлаб, солиқларнинг прогноздан ошириб бажарилган қисми ҳисобидан ҳудудларда 5,5 триллион сўм қўшимча

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00259

маблағлар қолдирилди. Бу, ўтган йилга нисбатан 6 баробар, 2016 йилга нисбатан эса 32 баробар кўпдир[1, 2].

2018 йилда бошланган ишларни мантиқий давом эттириш ва юксак босқичга кўтариш мақсадида, кириб келаётган янги – 2019 йилга «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили», деб ном берилди. Иқтисодиётдаги ижобий натижалар эса ижтимоий соҳада тўпланиб қолган муаммоларни тизимли ҳал этиш имконини яратади ва фақат фаол тадбиркорлик, тинимсиз меҳнат ва интилиш орқали тараққиётга, фаровон ҳаётга эришиш мумкин бўлади. Бу борада буюк аллома Нажмиддин Кубро ҳазратлари «Муваффақиятни – саъй-ҳаракатда, муваффақиятсизликни эса – лоқайдлик ва дангасаликда кўрдим», деб бежиз айтмаганлар[2, 1].

Хуллас, тадбиркор ўз ташаббуси ва маблағи билан ижтимоий-иқтисодий ҳаётни юксалтиришга хизмат қилади, ўз фаолияти учун масъуллик жамиятда ишбилармонлик муҳитини яратади, унда халқ манфаатларига хизмат қилиш туйғусини шакллантиради, ундаги янгиликка, инновацияга ўчлик мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳиятига ва динамизмига муофиқдир.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси»// Халқ сўзи, 2018, 8 декабрь. – 2 б.
2. Мирзиёев Ш.М. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожатномаси»// Халқ сўзи, 2018, 29 декабрь. – 1 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида»// Халқ сўзи, 2018, 8 июнь. – 5 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»// Халқ сўзи, 2018, 22 сентябрь. – 3 б.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти нутқи. «Иқтисодни инновацияларни кенг жалб этган ҳолда ҳар томонлама ривожлантириш – халқ фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим омили» // Халқ сўзи, 2018, 30 ноябрь. – 2 б.
6. Раззақов А. Иқтисодий тафаккур сарчашмалари. – Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2011. – 72 б.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00259

7. Синдаров К., Жуманазаров И. Тадбиркорлик субъектларини текширишнинг ҳуқуқий асослари. – Тошкент.: Янги аср авлоди, 2006. – 12 б.
8. Декарт Р. Избранные произведения в 2 т. Т. 2. – Москва: Мысаь, 1991. – С. 278.
9. Лившиц А.Я. Введение в рыночную экономику. – Москва: Экономика, 1992. – С. 145.
10. Хизрич Р., Питерс М. Предпринимательство. – Москва: Экономика, 1992; Ламперш Хайнд. Социальная рыночная экономика. Германский путь. – Москва: Экономика, 1993. – С. 265.